

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ БҮЛИБ ҮТДИ.



**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚИЗИРИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИ
БҮЛИБ ҮТДИ.**

Жорий йилнинг 9 январь куни халқ депутатлари Қизириқ тумани Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб үтди. Сессия ишида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Олий Мажлис Сенати Кенгашларининг 2020 йил 30 октябрдаги № 528-IV/КҚ-145-IV-сонли қўшма қарори ижроси тўғрисида”ги масала бўйича Қизириқ тумани ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринbosари-туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи Ярматов Илхом Чориевичнинг ахбороти тингланди ҳамда “Жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси юзасидан 2020 йил давомида амалга оширилган муайян ишлар ҳақида” туман ички ишлар бўлими бошлиғи Хўжамқулов Ғайрат Чориевичнинг ҳисботи тингланди. Шу билан бир қаторда “Қизириқ тумани маҳаллий бюджетининг кафолатланган даромадлари ва харажатлари бўйича 2020 йилда амалга оширилган ҳамда 2021 йилда режалаштирилган ишлари тўғрисида” туман молия бўлими мудири Тиловмуродов Ихтиёр Сафаровичнинг ҳисботи тингланди ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Сессияда халқ депутатлари туман Кенгashi депутатлари, туман ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринbosарлари, туман ҳокимлиги гурух раҳбари, сектор раҳбарлари, тумандаги тегишли идора ва ташкилот раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг карантин тартиб-қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда расмий кийимда иштироки тўлиқ таъминланди.